

ETHNOCONFESSIONAL POLICY OF INDEPENDENT UZBEKISTAN AND JEWISH COMMUNITIES

Jamoliddin Karimov

Senior Lecturer of the International Islamic Academy of Uzbekistan

11, A.Qadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.

Email: karimiy@mail.ru

ANNOTATION

Significant work is being done in Uzbekistan to ensure harmony and tolerance between people of different nationalities, ethnic groups, and religions with ancient lands. The unanimous adoption of the resolution "Enlightenment and Religious Tolerance" put forward by Uzbekistan by the UN member states is practical proof of this idea. An important task is to further strengthen inter-ethnic harmony and inter-religious tolerance on human rights and religious freedom in our country.

The article analyzes the work being done in Uzbekistan on ethno-confessional policy, interethnic harmony, and religious tolerance. In addition, the article also covers information on the history of the new era of Bukhara Jews, the activities of synagogues, and Jewish national centers.

Keywords: State and religion relations in Uzbekistan, the Law on Freedom of Conscience and Religious Organizations, the Committee on Religious Affairs, religious organizations, Jews of Bukhara, Jewish national cultural centers, synagogue.

КИРИШ

1991 йилда СССРнинг парчаланиши дунё тарихидаги муҳим воқеалардан бирига айланди ҳамда Ўрта Осиё тарихида янги бир даврни бошлади. СССРнинг тарқалиши билан Туркистон минтақасида аксар халқлар орасида катта миграцион жараёнлар юз берди. Уларнинг қаторида бухоро яҳудийлари ҳам бор эди.

СССРнинг парчаланишидан кейинги 5-6 йил ичида ўн минглаб яҳудийлар ўз ватанларини тарк этдилар, ортда эса оз сонли бухоро яҳудийлари қолди. 1980 йилларда 10 мингдан зиёд яҳудийлар яшаган Самарқанддаги яҳудийлар маҳалласи деярли бўшаб қолди. Асосан Тошкентда яшаган яҳудийлардан 75 мингтаси кўчиб кетиб, республикада 15-20 мингга яқин ашкеназ яҳудийлари қолди. Манбаларда, Тожикистонда қолган бухоро яҳудийларининг сони бир неча юз, Ўзбекистонда эса 3 мингдан зиёд бўлгани қайд қилинади.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон ҳукумати мустақилликнинг илк йилларидан Исроил давлати билан дипломатик алоқаларни ўрнатиб, халқаро яҳудий ташкилотлари билан муносабатга киришди, яҳудий лидерларнинг мамлакатга ташрифларини қўллаб-қувватлади. Ушбу доирада 1992 йил Тель-Авивда Ўзбекистон консуллиги очилиб, Ўзбекистон ва Исроил фуқароларининг ўзаро икки мамлакатга эркин кириб-чиқишларига рухсат берилди. 1994 йилда ўша вақтдаги Исроил Ташқи ишлари вазири Шимон Перес, Исроил Бош вазири Беньямин Нетаняху ҳамда 1998 йилда Савдо-саноат вазири бўлган Натан Шаранскийлар Ўзбекистонга расмий ташрифларни амалга оширди.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислам Каримов ҳам Исроилга ташриф буюриб, турли соҳаларда икки давлат орасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик битимлари имзоланди. Ўзаро алоқаларни янада ривожлантириш мақсадида 2000 йилда Қуддусда ўзбек маданияти маркази ҳам очилди. Қолаверса, Ўзбекистон ҳукумати томонидан Тошкент, Самарқанд ва Бухорода яҳудий маданий марказларининг очилишига рухсат берилди. 1992 йилда “Исрал” маданият маркази ва Тошкентда “Сахнут” яҳудий агентлига асос солинди.

Қайд этиш лозимки, ўлкадаги яҳудий жамоаларининг эски ва янги синагогалари қайтадан иш бошлади, яҳудий мактаблари, маданият уюшмалари, газеталар ташкил қилиниб, бу жамоаларнинг тарихий ва диний меросига қизиқиш қайта уйғонди. Мамлакат ташқарисидан диний, маданий ва ёрдам ташкилотларининг дастаклари ҳам кун сайин ортиб борди. Аини пайтда яҳудийларнинг ташқарига, асосан Россия, АҚШ ва Исроилга кўчиш суръатлари ўсди.

Умуман олиб қараганда, мустақиллик йилларига келиб яҳудийларнинг ижтимоий ҳолати ўзгарган эди. Аксар яҳудийлар минтақани тарк этган бўлсаларда, баъзи яҳудийлар турли сабаблар билан мамлакатда қолишди. Ушбу ҳолатни яҳудий жамоаси вакиллари “ақллилар Ўзбекистонни тарк этишди, энг ақллилар эса, Ватанда қолишди”, деб изоҳладилар.

Ўзбекистон мустақилликка эришган илк йилларидан диний соҳага ўзбек халқининг миллий маънавиятининг ажралмас қисми сифатида алоҳида эътибор қаратилди. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари қуйидаги тамойиллар асосида олиб борилмоқда:

- диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиш;
- диний эътиқодларни фуқароларнинг ёки улар уюшмаларининг хусусий иши деб тан олиш;
- диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам, уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқларини тенг кафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўймаслик;
- маънавий тикланиш, умуминсоний ахлоқий қадриятларни қарор топтириш ишида турли диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мулоқот қилиш йўлларини излаш зарурати;
- диндан бузгунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўймасликни эътироф этиш.

Мустақиллик йиллари диннинг ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятида тутадиган ўрни ва мавқеи аниқ белгиланиб, бу соҳада мустаҳкам қонунчилик асоси яратилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида “диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар”, деган демократик тамойил мустаҳкамлаб қўйилган. Фуқаролар миллати, ирқи ва динидан катъи назар, тенг ҳуқуқли эканлиги белгиланиб, уларнинг виждон эркинлиги, урф-одатлари, миллий анъаналари ҳурмат қилиниши кафолатланган.

Ушбу конституциявий қоида 1998 йил 1 май куни қабул қилинган янги таҳрирдаги “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддасида ўз ифодасини тошган. Қонунда тарихий, маданий, ижтимоий омилларни ҳисобга олган ҳолда

давлат ва диний ташкилотлар орасидаги муносабатлар белгиланган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикасида дин давлатдан ажратилган. Ҳеч бир динга ёки диний эътиқодга бошқаларига нисбатан бирон-бир имтиёз ёки чеклашлар белгиланишига йўл қўйилмайди.

Давлат турли динларга эътиқод қилувчи ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, ҳар хил эътиқодларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро мурося ва ҳурмат ўрнатилишига кўмаклашади, турли конфессиялар ўртасида адоватни авж олдиришга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўймайди.

Фуқаролар ўзларининг диний ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари ушбу соҳадаги қонунчиликнинг муҳим тамойили саналади.

Давлат ва диний ташкилотлар ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштириш Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита томонидан амалга оширилади.

2022 йил январь ҳолатига кўра, Республикада 16 конфессияга мансуб 2323 та **(2132 та исломий, 191 та ноисломий)** диний ташкилот мавжуд. Бевосита тадқиқотимиз объекти бўлган яҳудийларнинг 8 та синагогаси фаолият юритмоқда.

Мустақиллик йилларида миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишларни, нодавлат ташкилотларнинг ноёб тизими – миллий-маданий марказлар фаолиятининг йўлга қўйилишини юқори баҳолаш мумкин.

1989 йилдан ташкил этила бошлаган миллий-маданий марказлар фаоллари ўзлари мансуб бўлган миллатларнинг кўп асрлик анъаналари ва урф-одатларини тиклашдек олижаноб вазифани кўнгилли равишда ўз зиммаларига олдилар. Ўзбекистонда мавжуд миллатларнинг ўзига хос миллий ва маданий меросини сақлаш ва ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси томонидан 1992 йил 13 январь куни Республика байналмилал маданият маркази ташкил этиш тўғрисида қарори қабул қилинган.

Қайд этиш лозимки, сўнги 3-4 йилларда барча соҳаларда бўлгани каби, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик соҳасида ҳам юртимизда мисли кўрилмаган ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2016 йил Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган нутқида шундай таъкидлаган: “Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакилларининг тинч-тотув ҳаёт кечираётгани – истиқлол даврида эришган энг муҳим ютуқларимиздан биридир. Миллатлараро тотувликни таъминлашда мамлакатимизда фаолият юритаётган 138 та миллий маданий марказнинг ўрни беқиёс. Айнан шу нуқтаи назардан келгусида ҳам миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади. Юртимизда ҳукм сураётган диний бағрикенглик муҳити туфайли мамлакатимизда 2 минг 200 дан ортиқ турли диний ташкилотлар фаолият юритмоқда. Турли дин вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат ва дўстона муносабатларни ривожлантириш, фуқаролар қайси дин

ва этиқодга мансублигидан қатъи назар, уларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш бундан буён ҳам энг муҳим вазифаларимиздан бири бўлиб қолади.

Шу билан бир қаторда юртбошимиз ташаббуси билан «Ўзбекенгилсаноат» акциядорлик жамиятига тегишли бўлган Бобур кўчасидаги бино Республика байналмилал маданият марказига берилиб, у «Дўстлик саройи» деб номланди. Мазкур бионинг ёнида жойлашган ва мустақиллик йилларида Республика байналмилал маданият маркази ўзининг кўплаб тадбирларини ўтказиб келаётган боғ «Дўстлик боғи» деб аталди. Шунингдек, Республика байналмилал маданият маркази ҳамда Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши фаолиятлари негизида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги №ПҚ-5046-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ташкил этилди.

Қўмитанинг асосий вазифалари сифатида жамиятда миллатлараро ҳамжиҳатлик ва бағрикенгликни таъминлашга қаратилган давлат сиёсатини изчил амалга ошириш, дўстона халқаро алоқаларни йўлга қўйиш, давлат органларининг республика ҳудудида жойлашган миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари билан ўзаро алоқаси ва ҳамкорлигини таъминлаш, мамлакатимизда яшовчи турли миллат ва элатлар вакилларининг ўзига хос миллий анъаналари, урф-одатлари ва расм-русумларини асраб-авайлаш ва ривожлантиришга кўмаклашиш каби бир қатор масалалар белгилаб қўйилди. Мустақиллик йилларида Республика байналмилал маданият маркази ва миллий маданий марказларнинг миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари давлатимиз томонидан доимий равишда қўллаб-қувватланди ва рағбатлантириб борилди. Жумладан, 2002 йилда Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 10 йиллиги 2007 йилда 15 йиллиги, 2012 йилда 20 йиллиги, 2017 йилда эса 25 йиллиги бутун мамлакат миқёсида кенг нишонланди ҳамда миллий маданий марказларнинг қатор фаолларидан 150 га яқини юксак давлат мукофотларига сазовор бўлдилар. Турли миллатлар вакили бўлган 14 киши олий мукофот – «Ўзбекистон қаҳрамони» унвони билан тақдирланди. Мамлакатимизда этник ўзига хослик ривожланди, миллатлараро муносабатлар янада уйғунлашди. 138 та миллий маданий марказ ўзларининг ўзига хос маданияти, тили, халқ ҳунармандчилигини ривожлантириб, турли маданиятларнинг бир-бирини ўзаро бойитишига, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳар бирида кўп миллатли ягона оила туйғусини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Миллатлараро муносабатлар соҳасида давлат сиёсати изчил равишда давом эттирилиб, 2019 йил 15 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5876-сонли Фармони тасдиқланди. Концепция Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг мақсадлари, принциплари ҳамда асосий йўналишларини белгилаб берувчи нуқтаи назарлар ягона тизимидан иборат

Юқорида таъкидланганидек, ҳозирда юртимизда 138 та миллий маданий марказ фаолият юритади. Улар орасида яхудий миллий-маданий маркази алоҳида аҳамият касб этади.

Мавжуд манбаларда келтирилган маълумотларда Республикада 2020 йил 1 январь ҳолатига кўра яҳудий миллатига мансуб 10 000 дан зиёд киши истиқомат қилади. Бироқ, воқеълик бу рақамлар ошириб юборилганига далолат қилади.

Яҳудий миллий-маданий марказлари ҳақида сўз борар экан, қайд этиш лозимки, марказларнинг шаклланиши бир неча тарихий босқичларда амалга ошган. Жумладан, 1989 йилда Тошкент шаҳар яҳудий маданий маркази (ҳозирги Яҳудийлар жамоаси маркази), Республика бухоро яҳудийлари маданий маркази (ҳозирги Тошкент шаҳар “Симхо” бухоро яҳудийларининг миллий-маданий маркази) ташкил қилинган. Ҳозирда Тошкент, Бухоро, Навоий, Фарғона ва Самарқанд шаҳарларида олти яҳудий миллий-маданий марказлари фаолият кўрсатмоқда.

Мавжуд марказлар яҳудий миллатининг қадимий урф-одат ва анъаналарни сақлаш, уларни келажак авлодга етказиш билан бир қаторда, давлат ва миллий байрамларда алоҳида ўзига хосликни касб этган ҳолда нишонлайдилар. Ўзбекистон яҳудий миллий-маданий маркази қошида “Шалом, Тошкент” фольклор рақс ансамбли, хорижга кетган яқинларни излашга кўмаклашувчи “Сен ёлғиз эмассан”, “Ногирон фарзандли ота-оналар”, “Сени излайман” ва барча муҳтожларни қўллаб-қувватлаш бўйича “Рахимим – Меҳр-шавқат” клублари фаолият кўрсатмоқда.

Албатта, ушбу миллий-маданий марказлар яҳудий миллатининг халқ ижодиёти, анъаналар ва урф-одатларнинг авлоддан-авлодга мерос бўлиб қолишида ўрни беқиёс ҳисобланади. Бухоро шаҳрида 36-сонли, Тошкент шаҳрида 321-сонли ихтисослашган умумий ўрта таълим мактаблари фаолият олиб бормоқда. Уларда хорижий тил сифатида иврит тили ўқитилиши билан бир қаторда, дарсдан ташқари вақтда яҳудий миллий урф-одат ва анъаналари ҳам ўргатиб келинмоқда.

Миллий-маданий марказлар билан бир қаторда Республикада яҳудий жамоаларининг эътиқод қилиш эҳтиёжларини қондириш мақсадида Тошкент, Бухоро, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида 8 та синагога фаолият олиб бормоқда (синагогаларнинг рўйхати илова қилинади). Ўрганишлар бугунги кунда бухоро яҳудийлари вакиллари ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида фаолият олиб бораётганини кўрсатади. Жумладан, Бухоро вилоятидаги дала тадқиқотларида яҳудийларнинг журналистика, тиббиёт, педагогика, ҳунармандчилик каби турли хил касб соҳаларида фаолият олиб бораётганлари аниқланди. Юқоридагилардан хулоса қилсак, дин ва эътиқод масалалари инсон маънавиятининг узвий қисми ҳисобланади. Мазкур масалаларнинг мазмун-моҳияти ҳақида чуқур ва асосланган билимларга эга бўлиш ҳаётий-амалий фаолиятни тўғри ташкил этишга хизмат қилади. Чунки виждон эркинлиги кўплаб давлатлар қатори Ўзбекистон қонунчилигида ҳамда халқаро конвенцияларда ҳуқуқий ҳимояга олинган. Виждон эркинлиги ҳуқуқи инсон ҳуқуқларининг 5 та – яшаш ҳуқуқи ва шахснинг кадр-қиммати, эркинликка ва шахсий даҳлсизликка бўлган ҳуқуқ, сўз эркинлиги, кўчиб юриш ва яшаш жойини танлаш эркинлиги, виждон эркинлиги, миллатни танлашга, мулоқот учун тилни танлашга бўлган эркинлик – энг асосий ҳуқуқларидан бири ҳисобланади.

Мустақилликдан кейин фуқароларимизнинг дин билан боғлиқ ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ амалга ошириш, диний ва миллий қадриятларни тиклаш соҳасида қатор ишлар амалга оширилди. Энг аввало, виждон эркинлигининг ҳуқуқий базаси мустаҳкамланди.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”, деган ҳуқуқий норма белгиланди. Мазкур норма асосида ҳар бир шахнинг дин билан боғлиқ ҳақ-ҳуқуқлари давлат томонидан расман кафолатланди. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги меъёрларнинг қонунчиликка киритилиши натижасида диёримизда расмий фаолият олиб бораётган барча дин вакилларига катта имкониятлар яратилди. Жумладан, мустақилликкача республикада бир неча черков ва синагогалар фаолият олиб борган бўлса, Қонун қабул қилинган, дунёнинг турли минтақаларида диний ибодатларини амалга оширувчи Евангель-Лютеран жамоаси, Рим-католик черкови, Еттинчи кун адвентистлар черкови, Баҳойлар жамоаси, яҳудийлар диний жамоалари каби 10 дан ортиқ диний конфессиялар юртимизда расмий фаолият юрита бошлади.

Шундай экан, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунни ҳаётга татбиқ этиш ва соҳага оид амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотлар натижасида диний ташкилотларни рўйхатга олиш ҳамда уларга раҳбарлик қилиш, ноанъанавий диний оқимлар ёйилиб кетишининг олдини олиш, диний таълим тизимини такомиллаштириш, шунингдек, диний адабиётларни чоп этиш ва тарқатиш каби диний ҳаёт барқарорлигини таъминлашга қаратилган вазифаларни бажариш учун замон талабларига мос ҳуқуқий механизм яратилди.

Шу билан бир қаторда, юртимизда миллатлараро муносабатлар ва улар орасида ўзаро бағрикенглик муносабатларини янада ривожлантириш борасида кўплаб амалий ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада қабул қилинган фармон ва қарорлар, албатта, мавжуд миллат вакиллари жипслашишга, Ватан равнақи йўлида бир жон, бир тан бўлиб ҳаракат қилишга ундайди. Албатта, бунда юртимизда қадимий тарихга эга бўлган яҳудий жамоалари ва уларнинг фаолияти алоҳида ўрин касб этади. Зеро, бу миллат вакиллари ўтмишда ҳам, ҳозирда ҳам жамиятнинг ҳар соҳасида фаолиятларини кўриш мумкин.

Шунингдек, яҳудий жамоалири вакиллари Ўзбекистонда динлараро бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик борасида олиб борилаётган ислоҳотларни эътироф этган ҳолда ўзларининг саъй-ҳаракатлари билан юртимиздаги мазкур жараёнларда фаол иштирок этиб келмоқдалар. Яҳудийлик таълимотидаги Яратган амр қилган “Зарар келтирма” тамойили орқали низо ва келишмовчиликлар келиб чиқишини олдини олиб, миллатлараро дўстлик ва тотувлик ришталарини янада камол топтиришда ўзига хос ўринга эга бўлиб келмоқдалар.

Фойдаланган адабиётлар

1. Cooper A. Feasting, Memorializing, Praying, and Remaining Jewish in the Soviet Union: The Case of the Bukharan Jews // Jewish Life after the USSR. –Bloomington. Indiana University Press, 2003. –P. 142.
2. Дала тадқиқотлари. Яҳудий жамоаси вакиллари билан бўлиб ўтган суҳбатлардан
3. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари ҳақида батафсил маълумот олиш учун қаранг: Каримов Ж. Жаҳолатга қарши маърифат. –Тошкент. “Ўзбекистон халқаро ислом академияси” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2020. –Б. 44-67.

4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 61-модда.
5. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Тошкент. “Ўзбекистон”, 2017. –Б. 47.
6. Юксак мукофот билан тақдирланганлар орасида, ўзбек маданияти ривожига ҳисса қўшган яҳудий миллати вакилларида Акилова Виктория Исахаровна, Ўзбекистон халқ артисти Берта Давидова – “Эл-юрт ҳурмати” ордени (1998 й.), Давидов Эдуард Минович (1998 й.) ҳамда Михайлов Виктор Владимирович (2007 й.) “Дўстлик” ордени билан тақдирланганлар.
7. Бобур боғи Дўстлик боғи деб номланади (<https://www.gazeta.uz/uz/2017/01/25/park/>)
8. Ўзбекистон умумий уйимиз. –Тошкент. “Ўзбекистон” нашриёт ижодий уйи, 2016. –Б. 62. “Республика байналмилал маданият маркази тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарори (<https://lex.uz/docs/366853>)
9. <https://embassies.gov.il>